48
24 ФЕВ 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 44 (6. 833) 1989 йил 22 февраль, чоршанба Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Шаҳар партия комитети бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Тошкент шаҳри қурилиш комплекси партия ташкилотлари, раҳбар коммунистларининг 1988 йилда уй-жой ва социал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш юзасидаги қонуқарсиз иши ҳамда йўл қўйилган камчиликлар ўрнини тўлдириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қурилиш комплекси партия ташкилотлари, раҳбар коммунистлари 1988 йилда меҳнат коллективларини шаҳарнинг қурилиш программасини бажаришга сафарбар эта олмаганликлари танқидлаб ўтилди.

Уй-жой қурилишида катта хатоларга йўл қўйилди. 183 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга кам топширилди. Соғлиқни сақлаш объектларини ишга тушириш плани ҳам барбод бўлди. Бирорта ҳам касалхона фойдаланишга топширилмади, поликлиникалар қурилиши плани ҳам ярим-йўғи 83 процент бажарилди. Мазкур камчиликлар ва нуқсонлар кўп жиҳатдан район партия комитетлари қурилиш планлари бажарилишини таъминлаш учун раҳбар коммунистларга ҳам бўшлиқлик билан боғлиқдир.

Уй-жойга муҳтож кўп одамлар навбатда турган район ижроия комитетлари уй-жой қурилиши программаси бажарилишини ташкил этиш ишига англаб бўлмайдиган даражада бепарволик билан қаётганликлари, амалда бу муҳим масаладан қарини четга олаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Уй-жой қурилиши планини фақат Ленин райони (103 процент) ва Акмал Икромов райони (3 процент) бажарди.

Қурилиш комплексининг партия ташкилотлари йўл ва социал объектларни ўз вақтида қабул қилишга топширишни ўткир сиёсий масала деб қўймаяптилар, қурилишнинг қониқарсиз кетишига, хўжасизлик, тайёрга айёрлик ҳолларига, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми бузилишига принципиал баҳо бермаяптилар. Бир қанча партия ташкилотлари принципиаллик қилиб, 1988 йил планлари ва топшириқларини бажаришни таъминламаган коммунистларнинг масъулияти ҳақидаги масалани ҳануз кўриб чиққанлари йўқ. Кўпгина партия ташкилотларида партия комитетларининг мажлисларида ва партия йиғилишлари ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилмоқда. Уларда қабул қилинаётган қарорлар ташкилотчилик ва сафарбарликни ошириш тусида эмас, улар партия комитетининг раҳбарларининг хўжаликка доир қўшимчага айлантириб қўймоқда. Қурилиш ташкилотларининг коммунист раҳбарлари гапдан амалга ўта олмадилар. Шаҳар партия комитетининг бюросида план топшириқларининг сўзсиз бажарилиши тўғрисида берган жуда кўп ваъдаларнинг асоссиз бўлиб чиқди.

1988 йилда «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмаси (К. Н. Тўлаганов, А. М. Дмитриев), «Узагрострой» (В. Ш. Камолов, Р. И. Гимадеев), Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети (Ю. А. Хмелевский, Ў. В. Муталипов), Қишлоқ Сув хўжалиги давлат комитети (Т. Б. Бойматов, И. В. Гальцева) айниқса қониқарсиз ишлади, Ўзбекистон ССР Госстройига қарашли 4-махсус трест эса (В. И. Ан, Р. И. Саблин) умуман бирорта объектни фойдаланишга топширмади.

«Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасида тўққизта бўлинмадан олтитаси уй-жой қурилиши планларини уддалай олмади. «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасининг 4-трестида ва 12-трестида жуда қониқарсиз аҳвол юз берди. Бу ерда коммунист раҳбарлар В. П. Очкас ва Г. Д. Трекусовларнинг раҳбарлик даражаси пастлиги оқибатида уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 34,9 ва 54 процент бажарилди. Шу қурилиш ташкилотларининг ўзигина 71,5 минг квадрат метр уй-жойни кам қуриб берди. 12-трест партия ташкилоти (Ш. А. Мирзабеков) меҳнат коллективини белгиланган топшириқларни бажаришга сафарбар этишга доир ташкилотчилик ва сиёсий ишлардан ўзини четга олди, партиявий принципиаллик кўрсатилмади, коммунист раҳбарларнинг қониқарсиз ишлаши фактларига партиявий баҳо берилмади.

Хўжалик усули билан ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда социал соҳанинг бошқа объектлари миқдори жуда секинлик билан кўпаймоқда. Ёшлар уй-жой комплекси уй-жой программасини амалга оширишда дурустгина омилга айланмади.

Қурилиш материаллари етишмаётган, улар бир маромда етказиб берилмаётган шароитда қурилиш ташкилотларида ресурсларни тежаш ва қурилишга материал сарфини камайтириш иши қониқарсиз ташкил этилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, архитектура ва шаҳарсозлик бошқармалари объектларни қуришга тайёрлаш қатъий системасига риоя этилиши учун таъсирчан чораларни кўрмаяпти.

Шаҳар партия комитети бюроси қурилиш комплекси партия ташкилотлари коммунист раҳбарларининг Тошкент шаҳрида 1988 йилда уй-жой ва социал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш борасидаги ишини қониқарсиз деб топди.

Шаҳар партия комитетлари ва ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, корхоналар ва қурилиш ташкилотлари уй-жой, социал-маданий ва маиший объектлар қурилиши ҳажми ва суръатини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш юзасидан олиб бораётган ишлар КПСС XXVII съезди қўйган юксак талабларга мос эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Бюро меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш юзасидан шаҳар уй-жой программасида кўзда тутилган тадбирлардан бирор тармоқда чекинишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Коммунистлар: 4-трест бошқарувчиси Г. Д. Трекусов, 12-қурилиш трести партия комитетининг секретари Ш. А. Мирзабеков қаттиқ партиявий жазога тортилдилар. «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари коммунист П. Г. Саркисовга қаттиқ танбеҳ, Ўзбекистон ССР агросаноат Давлат комитети «Узагрострой»и раисининг биринчи ўринбосари коммунист В. Ш. Камоловга танбеҳ берилди.

Октябрь ва Акмал Икромов район партия комитетларига коммунист раҳбарлар — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раисининг ўринбосари Ю. А. Хмелевский, «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмаси 12-қурилиш трестининг бошқарувчиси В. П. Очкасларнинг Тошкент шаҳрида 1988 йил уй-жой қурилиши программасини барбод этганликлари учун партиявий жавобгарлиги масаласини принципиал кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Госснабининг, «Узглавводстройдревпром» ҳамда Ўзбекистон ССР Госстройига қарашли «Узбекстройматериали» территориал бирлашмасининг коммунист раҳбарлари И. А. Вожик, Б. А. Мираюбов ҳамда Л. Ф. Смирнов, Ш. Х. Иноятовларнинг 1989 йилда шаҳардаги қурилиш объектларини зарур материаллар ва ускуналар билан муттасил таъминлаш учун узил-кесил чоралар кўрилади, деб берган ваъдалари маълумот учун қабул қилинди.

Бюро район партия комитетларига районларда қурилишларнинг аҳволини дарҳол кўриб чиқиш, белгиланган давлат плани бажарилишини таъминламаётган ҳар бир корхона ва қурилиш ташкилотидаги аҳвол билан танишиб чиқиш, бу планларни сўзсиз бажариш юзасидан конкрет чоралар кўриш, 1989 йилда уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший объектлар қурилиши планларини бажариш устидан назорат ўрнатиш ҳамда бу планларни бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаш топширилди.

Бюро қурилиш ташкилотларидаги партия комитетларидан ўз фаолиятларининг мазмуни ва усулларини ўзини ўзи танқид нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиб, уй-жой программаси топшириқлари бажарилишини таъминламаган коммунистларни қаттиқ партиявий жавобгарликка тортишни талаб қилди. Аниқланган камчиликлар қисқа муддатда тугатилиши, меҳнат коллективлари фаолиятида уй-жойлар ва социал-маданий-маиший объектлар сўзсиз ишга туширилиши учун бурилишга эришиш, партиянинг социал сиёсатини амалга ошириш учун юксак талабчанлик намунасини кўрсатиш, капитал қурилишни ташкил этишда туб бурилишни таъминлаш лозим.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ депутатлари шаҳар Совети IV сессиясида қабул қилинган уй-жой программасини бажаришнинг чинакам ташкилотчисига айланмаганлиги, район ижроия комитетлари ва хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборгани, программанинг бажарилишини назорат қилмаганлиги таъкидланди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети хўжалик усули билан ва якка тартибда уй-жой қуриш, ёшларнинг уй-жой комплекслари ва кооперативлар имкониятларини тўла ишга солмади.

Коммунистлар — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Қ. А. Солиҳов ва Р. Ҳ. Ҳикматуллоевга Тошкент шаҳри уй-жой программасини бажаришда йўл қўйилган колоқликнинг ўрнини тўлдириш йўлларини қисқа муддатда белгилаш, қурилиш учун майдонлар ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминланишини, шаҳардаги янги микрорайонлар комплекс қурилишини мунтазам кузатиб бориш топширилди.

Коммунистлар фаоллигида

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабаларининг қувончига яна бир қувонч қўшилган кун тобора яқинлашмоқда. Шаҳримизнинг Мунай кўчасидаги янги ётоқхона ишга туширилгач, олий ўқув юрти талабаларининг 240 нафари ўз турар жой шароитини яхшилайдилар. 153-трестнинг 39-қурилиш бошқармасидаги коммунист Александр Мальков бошлиқ бригадачи-қурувчилари тиклаётган бу объектда ҳозир ишлар қизғин. Шайдан жадал паллага кирмоқда. 44 бинокорнинг ҳамжиҳат резервларни ишга солиб, ойлик план-топшириқларни ортиғи билан адо этилишини таъминламоқда. Ҳозир бинокорларнинг ҳисобида йилнинг апрель ойи якунланаётган каби.

— Трестимизда бундай ташаббускор бригадалар кўп,— деди биз билан суҳбатда партком секретари Юрий Миронович Вилков. — Уларни моҳир қурувчи коммунист бошқаришмоқда. Талабчанлик билан қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш чораларини кўришаётир. Бир йил билан айтганда, коммунистларнинг авангардлиги ҳар ишда кўзга ташланади. Суннат Соатов ва Анна Угарова бошқараётган бригадаларда графикдан 2 ой илгари қолиб кетилган бўлса ҳам суръат бўшаштирилмаяпти. Шунинг ҳам юқори бўлмоқда. Улар тиклаган янги уйларда «Алгоритм» заводи ишчи-хизматчилари осойишта турмуш кечирмоқдалар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Комсомолга бағишланди

Кейинги йилларда шаҳримиздаги ўнлаб саноат корхоналарида ишчи-ёшларнинг дам олиш шароитларини яхшилашга, ишдан бўш вақтларини қўнгилли ўтказишларини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жойларда ўтказилаётган қизиқарли учрашувлар, баҳс ва мунозаралар, адабий-бадиий кечаларда иштирок этувчиларнинг сафи кенгаймоқда. Бу — ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда маънавий билимларини ва истеъдодларини оширишга интилаётганликларини ҳам кўрсатиб турибди. Яқинда ана шундай қизиқарли кечаларнинг бири Паркент районн маданият клубида бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланганлар Тошкент тўқимачилик комбинати филиали билан райондаги тикувчилик фабрикаси йигит-қизлари иштирокида тайёрланган ёшлар кечасини мириқиб томоша этдилар. Кеча программасидан ўрин олган мушоирада иккала коллектив вакиллари ҳам район комсомол ташкилотининг тарихи ва ҳозирги фаолиятига оид баҳс ва мунозараларда актив иштирок этишди.

Ўз қатнашчиларида бой таассурот қолдирган ёшлар кечасидан кўпчилик мамнун бўлди. Район комсомолларининг тарихи ва бугунги фаолиятига хос энг характерли янгиликлар билан танишдилар. Энди бундай тадбир комбинат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-ёшлар ўртасида ҳам ўтказилади.

Ҳ. ҲАҚБЕРДИЕВ.

Ўқувчилар учун

Ҳозир Тошкент шаҳридаги барча мактаблар программасига янги информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси фани киритилган. Бу фанни ўтиш учун мактабларда ҳисоблаш техникаси ва информатика соҳасидаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синф хоналари ажратилган.

Хўш, бу синф хоналарини замонавий компьютерлар билан ким таъминлаяпти? Бу ишни Сергелидаги совет ва болгар мутахассислари ҳамкорлигида иш олиб бораётган «Вариант» корхонаси амалга оширмоқда.

Корхона ишлаб чиқараётган «Правец—8 А» компьютери информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича мактаб ўқувчиларининг энг қулай ёрдамчиси бўлмоқда. Бу компьютердан математика ва физика фанлари бўйича ўтиладиган дарсларда ҳам унум билан фойдаланиш мумкин.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси билан «Вариант» корхонасининг шартномасига кўра «Правец—8 А» компьютери ишида бирор носозлик келиб чиққудек бўлса, завод мутахассислари уни 24 соат ичида тузатиб беришади. Агар носозлик жиддий бўлса, компьютер алмаштирилади.

«Вариант» корхонаси мутахассислари барча шаҳар мактабларини ушбу компьютер билан таъминлаб бўлишди.

А. ДАМИНОВ.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ ТВОУТ САҲИФАЛАРИДАН

● **ВАРШАВА**

Шу кунларда Ломжинъск воеводалигида мамлакатда биринчи Умумпольша хўжалик ташаббуси биржаси бўлиб ўтди.

Якшанба куни РТЛ радиостанцияси программасида сўзга чиққан Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше шу ҳақда гапирди.

Айни вақтда, деб уқтирди у, Покистон, АҚШ ва Эрон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаганларида совет қўшинларининг у ерда бўлишини истисно қилиш мумкин эди. Бугунги кунда ҳам ташқаридан аралашиш натижасида Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш мушкуллашмоқда. Ҳозир, деб таъкидлади ФКП Бош секретари, Афғонистон муаммосини сиёсий бартараф этиш йўлларини биргаликда излашни давом эттириш зарур.

● **РИМ**

«Ўтилган дарсни такрорлаймиз. Рус алфавитида қанча ҳарф бор!». Римдаги 28-техника-савдо-сотиқ билим юртида одатдаги дарс ана шундай бошланди.

Шу йилдан эътиборан бу ерда рус тили мажбурий фанлар қаторига киритилди. «Студентларимиз рус тилини жуда қизиқиш билан ўрганишга киришдн, — деди ТАСС мухбирига ўқитувчи Чинция Аккольи. — Улар тилшунослик бўйича тайёргарликдан ташқари, Совет Иттифоқи тарихи, унинг ҳозирги турмуши тўғрисида ҳам маълумотлар олишмоқда. Буларнинг ҳаммаси билим юртида ўқувчиларнинг тан олишича, уларнинг дарсларга бўлган қизиқишини оширди. Билим юртининг энг яхши ўқувчилари делегациясининг Совет Иттифоқига боришн талабалар учун катта рағбатдир.

● **ОТТАВА**

Канадада 1988 йилда 565 та қотиллик юз берди. Бу ҳар 100 минг аҳолига ўртача 2,2 тадан тўғри келади, деб хабар беради Канада статистика хизмати.

Бу — кейинги 19 йил мобайнида энг оғир жиноятлар учун ғоят паст даражадир.

Криминолог мутахассислар Трюдо ҳукумати 1977 йилда қурол сотишни назорат этиш бўйича қатъий қонун қабул қилганлиги туфайли мамлакатда қотиллик камайди, деб ҳисоблашмоқда.

● **НЬЮ-ЙОРК**

Америка аҳолиси ўт очувчи қуроллардан фойдаланиш билан боғлиқ зўравонликлар кучайиб бораётганлигидан жиддий ташвишга тушмоқда.

«Тайм» журнали билан Си-Эн-Эн телекомпанияси буюртмасига биноан ўтказилган жамоатчилик фикрини умуммиллий сўраб билиш натижалари ана шундан далолат беради.

Сўраб чиқилган америкаликларнинг 84 фонзи айтган фикрга қараганда, «ўт очувчи қуроллардан фойдаланган ҳолда қилинаётган зўравонлик» тобора кучаймоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи қотилларнинг қурбонига айланишдан чўчиётганликларини тан олганликлари бежиз эмас. Сўровда қатнашган кишиларнинг бешдан бир қисмидан кўпроғи уларнинг ўзига ёки оила аъзоларига тўппонча ёки милтиқ билан пўписа қилганликларини айтдилар.

● В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг комплектловчиси Вера РУБЦОВА.

Замондошимиз



Р. Шарипов фотоси.

Тонгги газеталарда

✦ **КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Украинада бўлиши ҳақида расмий хабарлар берилган. 21 февраль куни ўртоқ М. С. Горбачев Львовга келди. Шу куни у «Электрон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди, куннинг иккинчи ярмида ижодий зиёлилар билан учрашди.**

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари илмий-амалий конференцияси олдидан



Дўст билан обод уйинг

ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Дунёда учта буюк сўз бор.

Шу сўзларнинг биринчиси — ВАТАН!

Аввалари ҳар бир одам киндик қони тўкилган ерни — шаҳар ёки қишлоқни Ватаним деб ўйлайди. Шу қишлоқ дунёдаги энг гўзал маскан унинг назарида.

Лекин вақт ўтаверади. Инсон улғаяди. Тафаккур доираси ҳам кенгаяди. Ва ниҳоят Ватан сўзи қанчалар маҳобатли, бепоён, буюклигини англаб етади. Нафақат ўзи ўсган қишлоқ, балки шу қутлуғ қурраи замин Ватани эканлигидан ғурурланади.

Тоғлар ўлкаси, ғоятда сулув водийлар бағрига ястанган Қирғизистон ҳам ана шу қурраи заминнинг бир қисми!

Иккинчи сўз — ДЎСТЛИК.

Дўстликни теран тушуниш керак. Теран идрок қилиш зарур. Дўстлик — муқаддас туйғу. У сув янглиғ, ҳаво янглиғ, қуёш янглиғ инсон учун муқаддас.

Инсон ўзининг юрагига ошно одамни дўстим дейди. Унинг шодлигини ўз шодлиги, қайғусини ўз қайғусидек қабул қилади. Хизматида камарбаста бўлади, ҳурматида қоим туради.

Бизнинг улуғ Ватанимиз агар дўстликнинг шода марварид бўлса, ана шу шодадаги кўздек қўшнимиз, дилдор жигаргўшамиз Қирғизистондир. Қирғиз халқи нақ тоғ бургутига монанд. Бургут ўлса ўлади, аммо дўстини оғир кунда ёлғиз қолдирмайди.

Қирғиз халқи ана шундай дўсти азизларимиздан.

Учинчи сўз — МУҲАББАТ.

Энди бу сўзни таърифлашга на ҳожат! Муҳаббат дил калити, инсон қаноти. Унинг юксак ўй-фикрлари, орзулари. Қалбини Амударёдек, Иссиқ кўлдек мавжлантиради. Яшаш ишқини авжлантиради.

Қирғиз халқи ўз қўнн-қўшниларига, барча дўстларига муҳаббати кучли халқ.

Учала сўзни нега таърифладик?

Бундан кўзда тутилган бир маъно борми? Ҳа, бор.

Агар Ватан бўлмаса, дўст қайда? Негаки беватан, бемаслак кимса кимга зарур? Ватанни севган, у билан ҳамиша ифтихор этадиганларнинг дўстнинг қадрига етади, дўстликнинг қадрига етади. Ватани ҳам, дўсти ҳам бор кишн эса муҳаббатли бўлмоғи шарт. Акс ҳолда Ватанни ҳам, дўстни ҳам бой беришн турган гап.

ВАТАН, ДЎСТЛИК, МУҲАББАТ!

Ана шу уч сўз Ўрта Осиё халқларини бир жон, бир тан қилади. Норин ГЭСи чироқлари Ўзбекистонга нур тарайди; қирғиз яйловларидаги чўпон куйи қозоқ даштларида таралади; Маҳтумқулининг оташнафас шеърлари Ўдақий ғазалларига жўр бўлади.

ОНА ҚИРҒИЗИСТОНИМ!

Бугун сени мадҳ этамиз. Сенинг бўйинбастинг, ойдек тўлишган жамолинг билан фахрланамиз. Юрак қўримизда ловуллаётган дўстлик гулхани атрофида борлигингдан бошимиз кўкларга етади.

Газетанинг учинчи саҳифасидаги дил сўзларимиз сенинг камолотинг, ўзбек халқи билан қардошлигинг, икки республика ўртасидаги алоқаларга бағишланган.

Ўзаро фойдали алоқалар


ДУШАНБЕ, 20 февраль. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Жумагулов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Ҳаёев, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Ҳўжамуродов икки кун давом этган учрашувда Ўрта Осиё республикалари билан Қозоғистон ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Республикаларнинг энг муҳим халқ хўжалик комплекслари — машинасозлик, ёнилғи-энергетика, химия, агросаноат, қурилиш комплекслари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришни кўзда тутувчи қўшма протокол имзоланди.

Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтиришга муҳим ўрин ажратиляпти.

Ҳукуматлар СССРнинг ташқи сиёсий фаолиятида ўз ифтихорларини кўпайтириш, чегарадош мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.


26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни















599 — Тошкент — Куйбишев территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ва уларни рўйхатга олиш бўйича ўтказилган сайловолди йиғилиши тортишув ва мунозараларга бой бўлди.

Йиғилиш аниқ белгиланган соатларда олиб борилди. Ишчи президиум раиси сайландн. Ўн тўрт номзоднинг ҳар бирига депутатлик фаолияти программасини баён этиш учун ўн минутлик вақт берилди. Кўриб турибсизки, муддат қисқа, номзод ана шу вақт ичида ўз фикрини, ўйлаб юрган муаммоларини, сайловчиларни қизиқтирган асосий масалаларни ўртага ташлаб қатнашчилар қалбига йўл топиши лозим, акс ҳолда снёсий компаниядан мағлуб бўлиб чиқиб кетади.

Номзодлар ўз платформаларини баён этишди, худди шу йўлдан боришди. Йиғилиш аҳлининг кўнглидаги гапни айтишга ҳаракат қилишди. Лекин бир нарсани айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги бир хил таклифларни ўртага ташлашди. Айниқса экология, озиқ-овқат таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактабларни ҳозирги замон жиҳозлари билан таъминлаш, пахтачиликдаги монокультура, сув хавзаларининг ҳозирги ҳолати масалаларида уларнинг фикрлари бир жойдан чиқди.

Р. Шарипов фотолари.



МУҲОКАМА—ҚИЗҒИН, ОВОЗ БЕРИШ—ЯШИРИН

Округ сайловолди йиғилишидан

20 йилдан бери қалам тебратаман, лекин ҳали бунақасини кўрмаган эдим: 599-Тошкент—Куйбишев территориал сайлов округидаги сайловолди йиғилиши эрталаб соат 10 дан кечаси соат 1 гача давом этди. Йиғиннинг шунча давом этишига ҳам ҳали унча ўрганмаганмиз. Лекин бу анжуман эҳтиросларнинг жўш уриб кетиши билан ҳам ёдда қолади. Залда ҳам, минбарда ҳам, буфет ёнида ва ёнатрофда ҳам номзодлар қизғин муҳокама қилинди, нима бўларкин, деб тахминлар айтилди. Кимнинг омади келадию кимнинг номзоди ўтмай қолади, бу ҳақда ҳам мулоҳазалар айтилди. Хуллас **сайловолди кураши** деб аталган жараён бормоқда. Такрор айтаманки, бунақасини энди кўришим, — деб бошлайди сайловолди йиғилишидан ўз ҳисботини УзТАГ мухбири В. Гладилов.

Бепарволар йўқ, бу шундан далолат бериб турибдики, одамлар «бел боғлаб» ўртага тушмоқда. Эндиликда қайта қуриш «юқоридагилар»гагина эмас, ҳар бир одамга дахлдор. Қайта қуришни тайгадаги бўронга таққослашиб, дарахтнинг учи қимирлаяптию илдизи жойида деган истиора эскириб қолди.

Ана шундай вазиятда ими-жимида йиғилиш ўтказиб бўпсиз! Агар кимки уринib кўрган бўлса ҳам, барибир ҳеч нарса чиқмайди. Эндиликда одамларнинг кайфияти ўзгача, аппаратчилар ўрганиб қолган бепарволик ҳам, лоқайдлик ҳам йўқ. «Интурист» маданият-ахборот марказининг залида ҳам худди ана шундай руҳ ҳукмрон эди.

Иш тартиби тез белгилаб олинди: СССР халқ депутатлигига 14 номзоднинг ҳар бири ўз программасини 10 минутда баён этади, улар саволларга жавоб беришлари учун 15 минут ажратилади, номзодларни қўллаб-қувватлаётган ҳар бир киши 5 минут гапириши мумкин, умумий мунозара учун бир соат берилади. Йиғилиш силлиқлик билан ўтадигандай эди.

Номзодлардан бири — Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Муҳаммаджонов шошмасдан минбарга чиқди, бир хўплам чой ичди. Узбекистон Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётгани ҳақида, пахта монокультурасининг ҳукми тўғрисида бамайлихотир, шошмасдан гапира бошлади. Айни вақтда залдагилар кўриб турган электрон соатнинг рақамига эътибор бермади. Вақт эса тутқич бермай ўтаверди: академик ўзининг конкрет программасини баён этишга улгурмаёқ шиддат билан таймер кўнғироғи янграб кетди — 10 минут ўтган эди. Академик қанчалик илтижо қилмасин, мажлис аҳли фақат бир-икки минут вақт қўшиб берилишига рози бўлди.

Биринчи сабоқ шуки, қайта қуриш ҳақида, ҳатто кўндаланг бўлиб турган масалалар ҳақида умумий гап-сўзларнинг даври ўтган. Камчиликларни бартараф этишнинг аниқ-равшан программасини айтинг, мамлакатни қай тахлитда бошқармоқчи экanлигингизни тушунтиринг — зал аҳли саҳнада ўтирган 14 даъвогардан шуни талаб қилди. Мажлис аҳлининг раъйига қараган номзод сўзини эътибор билан тинглашди, қарсаклар билан олқишлашди, бошқаларини эса эшитмай қўйишди. У гапираётганида илгариги нотиқнинг сўзини муҳокама қилиб ўтираверишди.

Барча 14 номзоднинг программасини қисқача таърифлаб беришга ҳам имкон йўқ. Ушбу программаларда муштарак жиҳатлар кўп эди: номзодларнинг ҳаммаси Озиқ-овқат программасини амалга оширш сўрғаларининг сустлигидан, арзон товарлар ғойиб бўлиб қолаётганидан ташвишланиб гапирдилар, улар республика қишлоқ хўжалигида пахтага, фақат пахтага маҳлиё бўлиб қолишни қоралайдилар. Барча даражаларда, жумладан республика миқёсида ҳам хўжалик ҳисобини жорий этишни маъқуллаб чиқдилар. Сал кейинроқ Тошкент Олий партия мактаби олимлари, ўқитувчилардан таркиб топган, махсус сайланган эксперт комиссияси шу программаларга баҳо берди. Комиссия ушбу программалар асосан қонунларимиз талабларига жавоб берса-да, лекин баъзан ҳозирги шароитда эришиб бўлмайдиган марраларни кўзлаётганини таъкидлади.

Масалан, «Учительская газета»нинг Узбекистондаги мухбири А. Усмонов бозорларни давлат кооператив корхоналари ва ширкатлари билан алмаштириш имконияти тўғрисидаги фикрни илгари сурди, «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг инженери С. Кабанов аёлларга болаларни тарбиялаш учун чақалоқ туғилгандан тортиб у етти ёшга киргунча отпуска беришни таклиф этди. «Фрунзевец» газетасининг мухбири В. Золотухин пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олиб, пенсионерларга қўшимча тўлаш унинг энг кам миқдорини 100 сўмгача кўпайтириш лозимлиги ҳақида гапирди. Эксперт группаси бу таклифларни пуч, хомхаёл таклифлар деб эълон қилди.

Шундай қилиб у... ўз бошига «бало» орттирди. Йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туришиб, минбарга чиқишиб бундай дейишди: бу таклифларни бугун амалга ошириш қийинлигини биламиз, аммо, депутатлар келажакни ўйлаши керак, «экспертларнинг бу гапларидан турғунлик даврининг ҳиди келаяпти, наҳотки бир бурда нон билан одамларнинг овозини ўчириш бизнинг мақсадимиз бўлса!», «номзодлар ўтмишдан келаётган овозларга парво қилишмасин, режаларини амалга ошириш учун дадил ҳаракат қилаверишсин — бизнинг истагимиз ана шундай».

Ана шундай тили бурро нотиқлар мадад берамиз деб ўз номзодларини маъқуллашди. Одамларни оломон деб биладиган, уларни қайси ўзанга солса, ўша ўзандан оқиб кетаверади, деб ўйлаётган кимсалар учун бу яна бир сабоқ бўлди. Сайловчиларимиз эндиликда четда мунғайиб турган кузатувчилар эмас, улар ҳуқуқий давлат, янги, яна ҳам ривожланган жамият барпо этишда фаол иштирок этишни эҳтирос билан хоҳлаётган кишилардир.

Йиғилишда номзодларнинг программалари хусусида ўткир баҳслар бўлаётганида ҳам, даъвогарларнинг саволларга қайтарган жавобларида ҳам, халқ депутатлигига номзодларнинг ишчанлиги ва инсоний фазилатларни муҳокама қилинаётганида ҳам ана шу эҳтирос, ҳаётга ана шундай жўшқин муносабат яққол кўринди. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддиновдан П. Ҳабибуллаевни ҳимоя қилиб коллектив бўлиб хат ёзилганда нега принципсизлик қилдингиз (яқинда «Известия» газетасида шу ҳақда ёзилган эди) деб сўрашганида Куйбишев район ижроия комитети ходимларидан бири, тақиқланган усулдан фойдаланяпсиз, деб бақирди. Аммо ана шу ноқулай саволни берган делегат жавоб кутмоқда эди. Халқ депутати қиёфасида қора доглар бўлмаслиги керак, биз номзоднинг ҳамма ишидан бохабар бўлишимиз керак. Академик президент бу саволга ишончли жавоб беролмади. У қақшатқич мағлубиятга учрашида бу ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлса, ажаб эмас. 347 делегатдан олтмишдан сал кўпроғи уни ёқлаб овоз берди, холос.

Халқ депутатлигига бугунги ва келажакдаги номзодлар учун бу ҳам бир сабоқдир. Халқ номидан гапиришга ҳуқуқига эга бўлишни истаган ҳар бир киши ҳалол бўлиши шарт. Тўғри йўлдан сал бўлса ҳам тойиб кетсангиз, албатта сезиб олишади.

Яна икки номзод, илмий ходимлардан А. Абдукаримов ва М. Мирсандов ярашмаган «ҳунар»ни кўрсатишди, улар ҳал қилувчи дақиқада ўз номзодларини ўзлари қайтиб олдилар ва М. Салоҳиддиновга овоз беришга даъват этдилар. Уларнинг ўз ҳақдаги илтимоси бир қарашда ишонса бўладигандай туюлади. Бу ходимлар ишимиз кўп, биздан муносиброқ номзодлар бор, дейишди. Шу боисдан йиғилишдаги кўпчилик кишиларнинг улардан кўнгли қолди. Танаффуслар вақтида одамлар билан гаплашганларида улар бундай дейишди: овозга қўйилишига рози бўлишдан илгари ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриш керак эди, ҳозир эса бу Фанлар академиясининг президентига ён босиб қилинаётган «устомонлик»ка ўхшаб кетяпти. Бир неча бор менга қуйидаги саволни беришди: наҳотки илгаридан буни ўйлаб қўйишган ва шундай қадам босишга журъат этишган бўлса?

Назаримда, бундай эмас, ахир биз жиддий иш билан машғулмиз. Бу ишда ҳеч ким найранг ишлатмаса керак.

Номзодлар ўзларининг номзодликка кўрсатилишига розиликларини қайтариб олиш ҳуқуқига эгаларми? Албатта. Овозга қўйилиш олдидан шундай қилиш керакмиди? — Ана шу савол кишиларга тинчлик бермади. Шу боисдан ҳам улар курашдан ўзини «четга олаётган» кишиларнинг важ-карсонларига шубҳа билан қарадилар. Эътирозни қабул қилишган бўлса ҳам, кўпчиликнинг кўнглидаги шубҳани аритиб бўлмади.

Округ сайловолди йиғилиши давомида ажабтовур гаплар бўлди. Аппарат ходимлари буни баъзан «вазият назоратдан чиқиб кетди» деб ҳам атайдилар. Йиғилишда президиумга ҳожат бормиди, деган саволни биринчи бор эшитишга тўғри келди. Фақат ранс ва секретарь сайлаш тарафдори бўлган кишилар сўзи ўтиб кетишига сал қолди, бу таклифни 150 киши маъқуллаган эди. Дабдаба ихлосмандлари «хўжакўрсинчилик» ўтиб кетганини ҳисобга олишлари керак.

Йиғилиш қатнашчилари ҳисобчиларга ишонч билдиришмаганига ҳам ҳамиша гувоҳ бўлавермаймиз, чунки бу борада сира муаммолар бўлмаган. Очиқ овозда бериладими ёки яширин овоз бериладими, деган масала ҳал этилаётганида округ сайлов комиссиясининг аъзолари 215 киши очиқ овоз беришни маъқуллаб чиқди, дейишганида йиғилиш аҳли комиссияси аъзоларига ишонмади. Холис одамлар, яъни халқ депутатлигига ўз номзодини кўрсатмаган ташкилотлар вакилларидан ўз ҳисобчиларини сайлашди, қайтадан овоз беришди. Ҳар бир қаторни оралаб, қайтадан санаб чиқишди: 347 кишидан 187 киши яширин овоз беришни ёқлади. Округ комиссиясининг аъзолари шу алфозда изза бўлишди, шекилли.

Рўйхатга олиш учун нечта номзод тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаётганида ҳам баҳс қизиб кетди. Округ комиссиясининг аъзолари, район ижроия комитети ходимлари номзодлари қанча кўп бўлса, иккинчи бор сайлов ўтказиш зарурати шу қадар кўп бўлади, деб обдон уқтирдилар, бу ҳолда номзодлардан бирортаси ҳам зарур миқдордаги овозларни ололмай қолиш эҳтимоли бор. Аммо жунбишга келган зал сайловчилар ихтиёрига иккитадан кўпроқ номзод ҳавола этилса, танлаб олиш имконияти бўлади, деб далиллар келтирди. «Қўшимча сайлов ўтказиш, эҳтимолки зарур бўлиб қолар. Сиз, яъни сайлов комиссиясининг аъзолари, яна ишлайверарсиз. Бу бизга дахлдор эмас, бу муаммони ўзингиз ҳал этинг». Йиғилиш қатнашчилари тахминан шундай дейишди. Кечаси соат 01 га яқинлашиб қолганида, овоз беришнинг биринчи давраси якунланди, шунда маълум бўлдики, залда ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи, назарда тутилганидек, тўрт номзод учун эмас, уч номзод учун овоз берибди, шунда йиғилиш аҳли фақат ана шу номзодларни рўйхатга олишга қарор қилди. **Бу бир гуруҳ одамлар эмас, балки кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб йиғилиш аҳли бирон-бир қарорга келишга ҳақлилигининг далилидир.**

Ҳозир йиғилишдаги воқеаларни идрок этиб, шунга яна бир карра ишончим комил бўлдики, барвақт қоғозга туширилган сценарий нечоғлик қунт ва ихлос билан ёзилган бўлмасин, барибир йиғилишдаги эҳтиросларга тўфонини қамраб олмаган бўлур эди. Бир мисол айтиб ўтай. В. Золотухинга қуйидаги мазмундаги хат узатишди: сизни маҳалладагилар қизғин қўллаб-қувватлашаяпти. Сиз эса ўзбек тилида икки оғиз гапни эплаб гапира оласизми? Рус офицери, ҳарбий газетанинг журналисти хат муаллифига соф ўзбек тилида жавоб берганда ўша киши ҳангу манг бўлиб қолгандир. Шу кичкина тафсилотдан ҳам сезилиб турибдики, одамлар кимни қўллаб-қувватлашаётганини билишади ва шу боисдан ҳам номзод шахсига тааллуқли барча гаплар сайловчилар учун муҳимдир.

Бошқа бир мисол: қирқ яшар фан доктори Темур Юнусов рўй-рост тан олди: инглиз тилида оппаосон лекция ўқисам бўлади, лекин ўзбек тилида лекция ўқий олмайман, ўзбек тилида ҳол-аҳвол сўраша оламан, холос. Зал ҳайратга тушди, аммо олим изоҳ берди — рус мактабида ўқиганман, кўпроқ рус ҳамкасбларим билан гаплашганман. Чунки, фаннинг мен ишлаётган соҳасида ўзбеклар кам. Шу муносабат билан номзод ҳам, залда ўтирган барча кишилар ҳам ўзбек мактабларида рус тилини ва рус мактабларида ўзбек тилини ўқитиш муаммоларига жиддий назар солиш лозимлигини уқиб олдилар.

Йиғилишда шунга ўхшаш ўткир муаммолар, мураккаб масалалар кўтарилди. Ушбу мажлис ҳамма учун ажойиб сабоқ бўлди, чунки биз чинакам демократиянинг, мунозара маданиятининг эндигина ўрганиб келмоқдамиз.

Йиғилиш қуйидаги қарорни қабул қилди: 599-Тошкент — Куйбишев территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзодлар сифатида рўйхатга олиш учун қуйидагилар тавсия этилсин: Владимир Петрович Золотухин, 1958 йилда туғилган, «Фрунзевец» газетасининг мухбири, Уткир Самиғович Ҳошимов, 1935 йилда туғилган, «Таштеплоцентраль» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Темур Собирович Юнусов, 1949 йилда туғилган, Узбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг етакчи илмий ходими. Округ сайлов комиссияси бу ўртоқларни рўйхатга олди.

СЎНГГИ СЎЗ, ЛЕКИН БУ БЎЛМАСЛИГИ ҲАМ МУМКИН ЭДИ

Йиғилишда «Ташкентская правда» газетаси мухбирини залга киритмасликка уринишу, у билан бўлган кўнгилсиз воқеани кўпчилик газетхонлар билишади. Лекин шуни айтиш керакки, бу округ сайлов комиссияси йиғилишида ҳозир бўлишга қарор берган журналистлар сонини чеклаб қўйишга уринган бирдан-бир ҳол эмас. Комиссия редакциянинг гувоҳномасига ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунга қўшимча қилиб, редакцияларнинг ходимларидан йиғилишда ҳозир бўлишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимос ёзилган махсус хатларни талаб қилди. Муҳокамаларда кейингина уларга таклифномалар берилди. Ваҳоланки, сайлов тўғрисидаги қонуннинг еттинчи моддаси журналистнинг сайлов кампанияси қандай ўтаётганн тўғрисидаги ҳар қандай ахборотни монеликсиз олишн учун рухсатномадир. Юқоридаги воқеа мисолсиз бўлиб, республикада бундай ҳоллар ҳали юз бермаган эди.

Яна бир нарса ҳақида. Таклифнома бўлмаганлиги ва менн залга қўйишмаганлиги, мен эса қистаганг қилмаганлигим сабабли кўчада ишлашга тўғри келди. Мен келгусига мўлжаллаб қанча номзодлар билан, «мадад командаларн»дагн кишилар билан суҳбатлашиб, уларнинг гапларнн ёзиб олдим. Шу пайт кичик бир жанжалнинг гувоҳи бўлдим: «командалар»нинг аъзолари кўтариб олган баъзи плакатлар округ сайлов комиссиясининг аъзолари ва Куйбишев район ижроия комитетн ходимларига ёқмадн. Улар ана шу плакатларни йўқотишни талаб қилишди. Бу қатънй буйруқ оҳангида айтилганлигн кишини ажаблантирадн. «Олимлар! Депутат бўлишдан аввал ўзбек фанининг обрў-эътиборини тиклангиз!» деган сўзларни ўқиш хуш ёқмайдн, албатта. Бу ачиқ ва унча ҳаққонй эмас, аммо тақиқлашлар ва бақирнқ-чақирнқлар билан ҳақиқатни тиклаб бўлмайдн, мунозара олиб боришни эса, афтидан, рақбар ўртоқлар ҳали ўрганиб олишмаган кўринади, — деб якунлайдн сўнгги мулоҳазаларнни УзТАГ мухбири А. Нинконенко.

ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ

«Халқ дипломатияси» вакиллари бўлган бир гуруҳ депутатларнинг мамлакат ҳокимияти олий органидаги фаолиятининг бош маъно-мазмуни нимада бўлади? Сўнгги йиллардаги ана шу оммавий ҳаракат Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ва совет Тинчлик фонди атрофига жипслашиб, Совет давлати ташқи снёсат фаолиятини қайта қуриш ҳамда умуминсоний қадриятлар нуфузини тасдиқлаш манфаатлари йўлида яна ҳам салмоқли омилга айланди. Аммо «халқ дипломатияси»нинг муайян занфлиги шундаки, «қуйидагилар»нинг ижтимоий активлиги ҳокимият юқори қаватлари билан туташиб кетаётгани йўқ. Ваҳоланки, тинчлик, бирдамлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашаётган халқ ҳаракатининг ҳозирча камроқ ҳаракатга солинган куч-қудратидан қонун чиқарувчи ҳокимият даражасида бу куч-қувватни жуда кўп наф кўриб рўёбга чиқариш мумкин.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Совет жамиятини демократиялаш ва снёсий система ислоҳоти тўғрисида»ги резолюциясида биринчи навбатдаги вазифалар қаторида барча синфлар ва социал группалар манфаатлари ва иродасини демократик йўл билан аниқлаш ва шакллантириш механизмини созлаш, ушбу манфаатлар ва иродани Совет давлатининг ички ва ташқи снёсатида келишиб олиш ва амалга ошириш белгилаб олинди. Шу нарса ҳам равшанки, СССР халқ депутатларининг биринчи съезди давлат ҳокимияти марказий органларининг ишлаш механизмига туб ўзгаришлар киритиши лозим. Ана шу механизмнинг оғир юк кўтаришга қодир бўлган устунларидан бири ташқи снёсатдир.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ва унинг структуралари ташқи снёсат фаолияти у қадар кўримли эмас. Нега энди, жуда бўлмаганда бу масаладан бехабар одамлар назарида, СССР Олий Совети ташқи ишлар комиссиялари иши протоколга оид вазифалар ва фақат қайд этиш вазифалари билан чекланган? Нега энди, Иттифоқ Совети ва миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш? Нега энди, агар биз телезекранга қараб мулоҳаза юритадиган бўлсак, ташқи иқтисодий масалалар хусусидаги «парламент мунозаралари» шу қадар руҳсиз. Ахир бу масалаларга давлатимизнинг донишмандларини жалб этиш мумкин бўлур эдику? Нега энди, саволини яна кўп марта қайтаришимиз мумкин бўлур эди... дипломатиямизга қонун чиқарувчи омилни бахш этиш, М. С. Горбачев СССР Олий Советининг навбатдаги ташқари сессиясидаги докладида таъкидлаганидек, халқаро снёсат масалаларини амалий ва малакали муҳокама қилиш учун, таъсирчан конституцион-ваколатли механизмни бунёд этиш учун нималар қилиш керак?

Халқ депутатлари биринчи съезди сайлайдиган ҳамда доимий негизда ишлайдиган СССР Олий Советининг ташқи снёсат фаолияти назарида, шундай бўлиши керак. Фикримча, иккала палата ташқи ишлар комиссияларининг асосий вазифаларини аниқ-равшан белгилаб олиб, мазкур комиссияларда-ги депутатлар сони анча кўпроқ, энг асосийси эса бу аъзолар билимдон ва ишининг кўзини биладиган бўлиши керак. Масалан, Иттифоқ Совети комиссияси ўз диққат-эътиборини қуролсизланиш, экология, иқтисодий хавфсизлик сингари жаҳоншумул масалаларга қаратади, таг-замини муаммолар юзасидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуси билан чиқади, чет эллардаги етакчи мамлакатлар билан алоқани диққат марказида тутади, асосий совет министрликлари ва идоралари билан ҳамиша алоқада бўлади. Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси региондаги муаммолар, халқаро ташкилотлар соҳасида ихтисослашади, иттифоқдош республикаларни ташқи снёсий соҳага жалб этишга ёрдам беради. Бу вазифа иттифоқдош республикалар статуси кўриб чиқилиб, снёсий ўзгаришларнинг навбатдаги йирик босқичига ўтилаётганида шак-шубҳасиз ўсади.

СССР Олий Советининг иккала комиссияси тенг ҳуқуқли бўлгани учун, бирбирининг ишини қилмасдан, ҳам доимий, ҳам муваққат кичик комиссиялар тузишлари мумкин. Ушбу комиссиялар ўзларининг амалий фаолиятида эксперт активларга, аввало жамоат ташкилотлари ва илмий муассасалардаги эксперт активларга таянишлари керак.

Ташқи ишлар комиссияларининг энг масъулиятли вазифаси — қонун йўли билан қўллаб-қувватлашни талаб этаётган энг муҳим ташқи снёсат лойиҳаларини муҳокама қилишдан иборатдир. Назаримда, СССР Олий Совети ва унинг ишчи органлари кўриб чиқиши лозим бўлган масалалар кенгайиб бораверишн керак, токи нуқтан назарларни, қарамақарши варнантларни таққослаш йўли билан оқилона қарор қабул қилинишигача эришиш мумкин бўлсин. Бундай жараён ҳуқуқий давлатдаги раснолаги фаолиятдир, бундай фаолият СССР министрликлари ва идоралари, аввало Ташқи ишлар министрлигининг ҳуқуқларига путур етказмай, балки аксинча, мукаммал таклифлар ишлаб чиқилиши учун уларнинг масъулиятини оширади, қабул қилинаётган қарорларнинг обрў-эътибори ҳам кўтарилади, шундай қилинса, нуқсонлар ёки ҳатоларга йўл қўйилмайди ҳисоб.

Бўлажак Олий Советнинг яна бир ғоятда муҳим вазифаси тегишли министрликлар ва комитетлар фаолиятн устидан назорат, улар сир-асрор пардасига яширнб қўйган гапларни ошкор қилиш бўлиши керак, бу ҳолда сир-асрорнинг соҳта пардаси давлатнинг чинакам сирларини асраш тўғрисида асосли ғамхўрлик қилмайди, балки ўзларининг идоравий манфаатларини яъни тор доирада қабул қилинган қарорларни эл кўзидан яшириб, хаспўшлайди.

Қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун ташқи қарордлик сингари жуда ўткир халқаро муаммога тўхталиб ўтмоқчиман, М. С. Горбачев БМТ минбаридан нутқ сўзлаб бу муаммони ҳал этиш йўлларини кўрсатди. Совет матбуоти саҳифаларини варақласак, биз барча мамлакатлари — Ад надан тортиб Ямайкагача, ким-кимга қанча қарзи, унинг сўму-тийинигача билиб оламиз. Аммо, лағларни сир тутиш Давлат план комитети, Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, Ташқи иқтисодий банк, СССР статистика комитети, давлатлари Совет Иттифоқидан қанча қарздор лиги хусусида лом-мулла майдилар.

Маълумки, мамлакатлар жуда кам тараққий давлатлар қарзини муддатини юз йилга узайтириш, бир қанча давлатлар эса қарзлардан воз кечиб юборишга эканлигини айтди. Биздан жуда кўп бўлиб қолган дарднега тилга олмайсиз? Учинчи йирик Иттифоқининг ўзи ғоят оғир синов давлатлардан қанча пули қон қақшатиб бўлиб қолган? Бу нг душманларимиз қўлимизда статистика қилмайдиган лумотлари йўқ, бу нуқтада номидага кучи етмаганнинг қолмадинг чакагини очиб, ишу ерда турли қийинчиликларнинг оқлар, уйғурлар «учинчи дунё» ликлар тарбиялари айбдордир, деса ҳам бир онгон-яшиқ гапларнинг ўша болаларнинг пайдо бўлиб етишишди. баб бўлмоқда. Ғулом қандидати шу мамлакатларнинг катта маблағлар эмишмиз. Бизга ган ёки биздан ҳар бир чет эл олди-берди қанча ни жуда яхши пинча буни ошкор ди.

СССР Олий депутатлари чет кўраётган содий муассасалар барларидан ташлик масалалари батафсил ахборот этишга ҳақли бўлини қайта қуриш лари йўлида ди. СССР Олниккала палатакий ишлар комиссирасида, ташқи алоқалар кичик тузилиши керак, миссиялар чет лари билан ихкорлигининг маларини ишлаб даркор.

Чет эл давлатлари тисодий ёрдам тубдан нотўғри рор топган, бу дан раҳбарларинга соя ташлайди, сўралаётган қарз баланд тўғон қурса, энг муҳим ётказиб берилмас раҳбарлардан лар. Аммо даъвомиллатдорчилигини ламентимиз аъзосиниш лозимдир. нутатларимиз чет лакатлари билан ҳамкорликнинг граммасини тасграф этиш ҳуқуқлишлари керак.

Биз ҳамма нарлар ихтиёрида кетганмиз, албатта, ҳақлари тўғри. Аммо жараёни тезлаштверган сайин, олий ҳокимиятнитив органи, яъни нослар ихтиёрида лозим. Халқ ҳамма масалалардан ташқи муаммоларни ҳал этишлари керак.

К. ХАЛ
тарих фанлари

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ

БЕРЛИН. Болгария, ГДР, Буюк Британия, Вьетнам, КХДР, Туркия, Чилидан, Фаластин озодлик ташкилотидан келган вокал-чолғу ансамблларн ва яккахон хонандалар ҳамда СВАПО болалар хори куни-кеча бу ерда ниҳоясига етган Сиёсий қўшиқлар XIX фестивалининг сўнгги концертида иштирок этишди. Бир ҳафта мобайнида ана шу қўшиқ анжуманининг концертларида минглаб томошабинлар бўлишди. 26 мамлакатдан, шу жумладан СССРдан, шунингдек Ғарбий Берлиндан келган қарийб 60 коллектив ва яккахон хонанда ўз маҳоратларини намойиш этди.

ҚОҲИРА. Мисрда баъзи озиқ-овқат ва истеъмол товарларининг нархлари ўрта ҳисобда йигирма процент ошди. Сигарета, кир совун, сут, эритилган сариёг ва пиширилоқ сингари товарларнинг янги нархлари пайдо бўлди. Ип газламалар қимматлашди.

«Ал вафд» газетасининг хабар беришича, бу галги нарх-навонинг ошиши ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг кўпайганлиги билан боғлиқ.

● ОСЛО. Турли йўналишдаги оппозицнячи афғон гуруҳлари ўртасида чиққан янги ихтилофлар маслаҳат кенгашн (шўрося) ишини тўхтатиб қўйди. Бу кенгашни Покистоннинг Равалпиндн шаҳрида оппозицнячилар чақирган эдилар. Мўътадил партияларнинг вакиллари экстремистлар томонидан қўйилган Аҳмад Шоҳ бошчилигидаги «ўтиш даври ҳукумати» составига қарши норозилик белгиси остида яна мажлисни ташлаб чиқиб кетди.

Шарҳчилар ташқи «ҳукумат» составига то экстремист ғуруҳ позицнячилар гуруҳи да ҳам кучли бахс чиқарганлигини тасмоқда.

Эронда жойлашган «саккизлар ташкилоти» вакиллари шўрога нисбатан «еттилиги» билан ларни бартараф этиш Покистондан жўнлар.

Якшанба куни чоғида шўро жойлашнода афғон оппозицнячилари қўриқлаётган полицнячиларидан бошлиғига тўпонча узиб, уни ўлдиргани томонидан қамоққа

ЭКРАН РАНГИ ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ АКС ЭТТИРАДИ

Швейцариялик олим Макс Люшер ўз мижозларининг телевизор экранидаги ранг тасвирларни кузата бориб, қизиқ хулосалар чиқарди. Агар экранда қизил ранг кўпроқ бўлса, бу электрон аппарат тасвирнинг ниначувчанлигидан, ҳис-ҳаяжонларга таъсирчан ва мўмин характеридан далолат беради. Сариқ ранг эса ишонч уйғотувчи характердан гувоҳлик беради. Зеро ташқи ҳотиржамлик ниқоби остида ички таҳлик яширинган бўлиши ҳам мумкин. Тўқ ҳаворанг бўш, қатъитсиз, аммо башорат қилиб бўлмайдиган ҳаракатларга қодир характердан далолат беради. Оч ҳаворанг эса ана шу телевизор эгасининг кўнгилчан, ёқимтой киши эканлигидан далолат беради. Мазкур тахминларнинг тўғрилигини ўз телевизорингиз ранг тасвирига қараб текшириб кўринг.

КАЛЕЙДОСКОП

ТАБИИЙ ОФАТ ШОҲИДИ

Гамбург (Германия Республикаси) пасттекисликда устун ўрнатилган энг кучли сирланинг сатҳини этиб борилади. Ер га қараганда, сув ларининг сатҳи йилга кўтарилмода.



Дўст билан обод уйинг

ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ ЙИҒИЛСА БУТУН, ДЎСТЛАР ДИЙДОРИДАН БЎЛОЛМАС УСТУН.

Амалдаги интернационализм

Биз дўстлик билан кучлимиз

1930 йилда, ота-онамдан етти ёшимда айрилганимдан ...нин мени Қоракўл шаҳридаги болалар уйига жўнатиш... Ўттизинчи йилларни ҳамма яхши билади, Ватан ...ун оғир синов йиллари бўлди. Қурғоқчилик кўп район...ни қон қақшатди. Шундай оғир кунларда совет халқи...ни душманлари ғаллаларини яширдилар ёки ақл бо...гатистика қилмайдиган нархда пулладилар. Лекин биз, Н. К. ...ҳ, бу ҳарбий номидаги болалар уйи тарбияланувчилари оч-...етмаганмоч қолмадик.

...чиб, ...зу ерда турли миллат вакиллари — ўзбеклар, руслар, ...аримиз оқлар, уйғурлар, қалмоқлар, дунганлар, татарлар, ...нё» қилган тарбияланар эдилар. Миллатларимиз ҳар хил ...дир, десак ҳам бир оила фарзандларига ўхшардик.

...ларнинг ўша болаларнинг кўпчилиги ҳозир таниқли кишилар ...да бўлиб етишишди. Қозоқ Илёс Темиртошев медицина фан...а. Гў...и кандидати бўлди. Рус Юрий Петров — ҳарбий, ...атларга ...гул Тентиева эса врач бўлиб эл хизматида бўлишди. ...ғлар ...ласс, болалар уйи тарбияланувчилари Ватанимизнинг ...изга ...ли бурчакларида халқимизга сидқидилдан ўз бурчла...дан ...ди ўташмоқда.

...ен ўз асрида кўп воқеаларни, уруш оловларини кўр-...киши сифатида ёшларга шундай дегим келади: биз ...ошқо...лик билан қудратлимиз. Бизда ҳамма халқлар тенг. ...халқни улуғлаш ана шу дўстликка раҳна солади. ...бир киши ўзини кўп жиҳатдан улуғ Ватанимизнинг ...занди деб билмоғи керак.

С. МАМБЕТОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Қирғизистон

Ўтлоқлар тиззадан, даралар сулув,
Кўлларида юзар суқсур ва оққув,
Қаёнга борма — булоқ тиниқ сув,
Қаёнга борма — омон-омон бу —
Қирғизистон бу!
Лолаънинг оқинн кўрдим бу юртда,
Зумрад кўк тоқинн кўрдим бу юртда,
Жўмард бир соқийни кўрдим бу юртда...
Иссиқкўл эмас бу — чексиз осмон бу —
Қирғизистон бу!
Қишларн оппоғу ёзларн салқин,
Меҳнат, манглай терн оқин ва оқин,
Қирғиз кўзларида ярқирар ёлқин.
Юз элдан келганга нлиқ ошён бу —
Қирғизистон бу!
Бунда той-той момиқ, ёпоғи, тивит,
Бунда олма, нпак, мовут, каноп, чит,
Бунда ҳар ёш қирғиз Манасдай йигит,
Ўзи ажиб, сўлим, яшил жаҳон бу —
Қирғизистон бу!
Чўққиларда сакрар чўнг мугуз олқор,
Ҳар кўли, дарёси ўзи бир Чалқор,
Олмаси қаҳрабо, тоғларн оқ қор,
Она табиатдан заб армуғон бу —
Қирғизистон бу!
Қуёш бағишламиш унга етти ранг,
Қўзиларн берар элтиру санг-санг,
Тулки, қарсоқ, қоплон қутулар аранг,
Тоғлар мамлакати — қутлуғ макон бу —
Қирғизистон бу!
Кимки инсоф билан беролса баҳо:
Бу юртда Манасдай чўнг ҳикмат — даҳо,
Юз йил чилим чеккан ўпкага даво...
Коинот сингари умрзоқ достон бу —
Қирғизистон бу!

Темирқул УМЕТАЛИЕВ,
Қирғизистон ССР халқ шоири.

Нурга тўла қалб

Душманни хуш билмайдиган қалб бу,
Дўстларга хиёнат қилмайдиган қалб бу.
Севгида сўлиш бўлмайдиган қалб бу.
Шундоқ қалбни олиб юрибман кўксимда!

Ватан учун лахча чўғ бўлар қалб бу,
Ёвларни ўтида кул қилар қалб бу,
Занг босмас, доим нур тўлар қалб бу,
Шундоқ қалбни олиб юрибман кўксимда!

Факт ва рақамлар

⊙ Тоғ ва серқуёш водийлар ўлкаси Қирғизистон Совет Социалистик Республикасининг умумий майдони 198,5 минг квадрат километрни ташкил қилади. Аҳолиси 4 миллион кишидан ортиқ. Республикада 80 миллат, жумладан, ўзбеклар, қозоқлар, уйғурлар, турклар, озарбайжонлар бир оила фарзандларидек яшамоқдалар. Ҳар уч кишининг бири эса ўқийди.

⊙ Қирғизистон — ривожланган қишлоқ хўжалик республикасидир. Унинг етиштирган маҳсулотининг 52 фоизи чорвачилик, қоракўлчилик, 48 фоизини эса деҳқончилик ташкил этади.



● СУРАТДА: Фрунзедаги «Октябрь 40 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг илғор ишчиси Р. Балабекова.

Қардошлик ришталари

Яқин ва қалин инилик учун

Қирғизистон:

Ўзбекистонга рангли ...аллар, автомат узатгич ...иялари, темирчилик-...ловчи жиҳозлар ва ...и маҳсулотлар етказиб ...ди. Қудратли гидроин-...лар эса Ўзбекистон ер-...га оби ҳаёт етказиб ...моқда.

Қардош қозоқ чорва-...ларига кундалик ҳаётла-...а фойдаланиш учун В. Фрунзе номли қиш-...ҳўжалиги машинасозлиги ...инда ишланган машина-...ан мунтазам жўнатади. ...ой ўрими пайтларида «Қирғизавтомаш» бел-...кўйилган автосамосвал-...а комбайнлар, трактор-...бульдозерларда жавлон ...и.

Ўзининг Ўрта Осиё кў-...конаси номини оқлаб, ...ндаги барча республи-...ларга, жумладан Тожики-...а қимматли ёқилғи ет-...б беради.

Туркман чорвадорлари-...ҳам оғирини енгил қи-...келмоқда. Шунингдек, ...нзе электро ваакумли ...наллар заводида ишлан-...ҳўжалик маҳсулотларга ...сайин талаблар ортиб ...оқда. Майлисой элек-...лампа заводида ишлан-...чироқлар туркман хона-...ларини чароғон қилиб ...ди.

...з навбатида:

Ўзбекистон қирғиз гид-...рувчиларига катта ёр-...кўрсатмоқда. Ўзбек ...ҳачилари томонидан ҳо-...тўла қувват билан ишга ...тирган Учқўрғон, Тўқ-..., Чирчиқ, шунингдек ...лаётган Тошкўмир ва ...олли сой ГЭСларининг ...қаларини тайёрлаб бе-...ди.

Қозоғистон Қирғизис-...тупроқни қайта иш-...н машиналар, минерал ...лар, металл, халқ ис-...ол буюмлари етказиб ...оқда.

Тожикистонлик меҳнат ...ективлари ўзлари эриш-...отуқларини қирғиз ҳам-...лари билан ўртоқлашиб ...илар. Бойқази ва Ро-...ГЭСлари қурувчилари ...лик ГЭСчиларининг ...ҳир дўстларидир. Қай-...м гилам комбинати ...ассислари Қораболта ...натининг оёққа тури-...катта ёрдам берди.

Чоржўй шойи комби-...Ашхобод газлама тў-...комбинатларининг маҳ-...лари қирғиз тиқувчи-...инг қўлида ажойиб ...ларга айланади.



«Манас»нинг янги нашри

Ҳар бир халқнинг ўзига хос маданий ёдгорлиги, яратган оғзаки ижод намунаси, меъморчилик обидалари бўлади. «Гўрўғли» достонлари цикли, Насриддин афанди ҳақидаги латифалар ўзбек халқи орасида қанчалар машҳур бўлса, «Манас» баҳодирлик достони Қирғизистонда шунчалар юксак қадрланади.

Максим Горький номли жаҳон адабиёти институти ходимлари Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтидаги ҳамкасблари билан биргаликда «Манас»нинг тўрт томлик академик нашрини чоп этишга киришдилар. Нашр СССР халқлари эпоси серияси босилади. Ҳажми 125 минг сатрдан иборат бу китоб қирғиз ва рус тилларида нашр этилади.

«Манас» ўқувчиларининг сони йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. У украин, қозоқ, тожик, немис ва француз тилига таржима этилди.

«Манас»нинг биринчи китобини ўзбек тилига хассос шоир Миртемир ардарган. Ҳозир унинг иккинчи китобини шоир Султон Акбарий таржима қилиб тугатмоқда.

Қардошликни бошда тутиб...

...қлар дўстлиги мавҳум ...ча эмас, у конкрет, ...кишилар дўстлигида ...н бўлади. Қирғизистон ...Ўзбекистон девор-дар-...қўшни, биродар. Қир-...ўланлари, осмонўпар ...он ҳаммамизни маф-...тади. Чингиз оға кито-...бошимга қўйиб ардоқлаган эканман энди билсам...

Қирғизистон ва Ўзбекистонлик олимлар дўстлигининг илдизи чуқур. Илмий ...ечиб берган «Қиёмат» ...н бор. Дўстларимга ...билан кўрсатаман.

...озаахмад бобомнинг ...биродарлари кўп ...лар бобомникига ке-..., бобомнинг боғидаги ...аридан завқланишар, ток қаламчаларини олиб кетишарди. Бобом ҳам Тўқмоққа кўп қатнаганлар. Менга бобомнинг ўша ерлик дўстлари чўғирма — қирғиз миллий бош кийимини олиб келишган... ёшлигимда уни меҳр билан кийиб юрардим. Дўстликни бошимга қўйиб ардоқлаган эканман энди билсам...

Суюмбиби Идрисова В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунида стажёр, аспирант бўлди, унинг илмий раҳбарлари таниқли олимларимиз С. Ҳ. Сирожиддинов ва Т. Л. Малевич эдилар. Суюмбиби шу ерда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди, бироз муддат илмий ходим бўлиб ишлади. Кейин Қирғизистон ССР Давлат университетида математика факультети декани муовини бўлиб хизмат қилди. Ҳозир ўша университетнинг доценти. Бернулли жамиятининг Тошкентда 1986 йилда бўлиб ўтган I Умумжаҳон Конгрессида қатнашди.

Ҳозир ҳам Тошкент Дорилфунунида бир қанча қирғизистонлик талабалар таҳсил кўрмоқда.

Ўзбек халқи қирғиз биродарларидан, айниқса, қирғиз халқини дунёга танитган унинг улуғ фарзанди Чингиз оғадан ниҳоятда миннатдордир. «Манас»дек достонни яратган, Чингиздек ўғилни вояга етказган шу халққа таъзим қиламан.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Доктор Мирраҳимов

Доктор Мирраҳимов...

Бу кишининг номини Фрунзеда, наинки Фрунзеда, Қирғизистонда ҳамма —кексаю ёш билади. Чуқур ҳурмат билан «Ўзимизнинг доктор» деб тилга олади.

Мирраҳимов ҳақида ҳикоя қилиш — йиллар ҳақида ҳикоя қилишдир.

Мирраҳимов кўпмиллатли Қирғизистонда дўстона оилада қўлни қўлга бериб яшаётган ўзбекларнинг бири.

Мирраҳимов — отаси Қирғизистонда таниқли музикачи ва педагог бўлган ўсмир эди. Ота ўз вақтида етарли қатъийлик ва қаттиққўллик кўрсатмаган чоғи, ўғил унинг изидан бормади, таниқли бастакор ёки дирижёр бўлмади.

Мирраҳимов — бу 1943 йилда қабул қилинган Медицина институтининг талабаси. Юрагида уруш орқали мажруҳ бўлган, хасталанган одамларга нисбатан бир олам раҳм-шафқат. Хаёлида эса эзгу қасам: Гиппократ қасами. Пирогов ва бошқа таниқли врачларнинг ўгитлари.

Ва ниҳоят Мирсанд Мирҳамидович Мирраҳимов йирик олим, медицина фанлари доктори, профессор, Қирғизистон ССР кардиология илмий-текшириш институтининг ташкилотчиси ва директори, СССР Медицина фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР ва Қирғизистон ССР Давлат мукофотлари лауреати.

Доктор Мирраҳимов ҳақида ёзиш жуда мушкуллигини энди билгандирсиз.

Доктор Мирраҳимовнинг сўнгги йилларда бутун фикру ҳаёли ягона ишга қаратилган. У ҳам бўлса юрак-томир хасталиги диагностикаси ва давосининг янги усулларини топиш ва тиббиётга тадбиқ қилиш. Лекин бу ишнинг ўзи бўлмайди.

— Мана биз кишиларимизни коммунистик ахлоқ руҳида тарбияляяпмиз, — деди биз билан суҳбатда Мирсанд Мирҳамидович, — мактабда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам шуни алоҳида таъкидлаймиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ғоявий баркамол киши соғлом бўлгандагина халққа, Ватанга хизмат қилади. Мана шунинг учун ҳам совет кишисини шакллантираётганда унинг соғлиғини ҳам ҳисобга олиш керак. У гигиенага қатъий амал қиляптими, талаб ва қоидаларини бажаряптими, ҳамма ерда физкультура ва спорт билан етарлича шуғулланяптими? — бу каби масалалар гарчи майдага ўхшаб туюлса-да, лекин аҳамияти каттадир.

Тўғри, давр ўзгарди, лекин касалликларнинг ҳам характер ва кўринишлари ўзгарди. Инсон болаликдан барча касалликларга бас келадиган, енгадиган қилиб тарбияланиши керак.

Мен илгариларн нега врачлар беморнинг тепасида туриб унинг соғлиғини сўраш ўрнига, унинг онлавий аҳволи, касби билан қизиқишига, эринмай суриштиришига ҳайрон қолардим. Доктор Мирраҳимовнинг соатлаб беморнинг аҳволини, касбини синчиклаб сурштириб, ўрганишидан



кейин менга айтган сўзларини тинглаб воқеанинг моҳиятига тушундим: касб беморнинг дардини шифолашда катта роль ўйнар экан!

Яна бир профессор Марк Михайлович Рожинский мана нима дейди:

— Кейинги йилларда касбимиздаги ачинарли ҳолат нимада? Врачнинг бемор тепасида туриб фикр юритиши астасекин йўқолиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби — шошилиш. Мирраҳимов бўлса бемор каравоти тепасида ўтириб ўй суради, мантиқий хулосалар чиқаради, ҳақлигини, қилаётган иши тўғрилигини исботлайди. Мен буни унинг ҳамкасблари ҳикоясидан билиб олдим.

Бизнинг ишимизда одатда раҳбар тўртта соҳада ўзини кўрсатиши, илғор бўлиши, яна ҳам аниқроғи уддалаши керак. Булар илм, даволаш ишлари, мураббийлик, ташкилотчилик. Менинг назаримда Мирсанд Мирраҳимов тўрттала ишни ҳам қойил қилиб бажаради.

Бундан қирқ йил муқаддам кардиология оламига медицина институти дипломи билан бу ерга жуда муҳим киши кириб келганди. Бугун эса ҳар бир киши унга қараб шундай демоқда:

— Сиз юракларга дармон бўляпсиз, доктор!

Сиз бизга юрак сингари зарурсиз.

Юрак сингари зарурсиз! Бу сўзларга Мирсанд Мирраҳимов ноиз ва сўзи бирлиги туфайли эришди. Ҳар бир врач шу сўзларга мушарраф бўлса эди.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

Янги фильм намойиш этилди

«Қилмиш-қидирмиш»

Ўзбекистондаги собиқ олий мансабли кишиларнинг жиноятқорона фаолияти тўғрисида сўнгги вақтларда кўплаб фильмлар суратга олиниб, кўплаб материаллар эълон қилингандек туюлади. Шунга қарамай, режиссёр Даврон Салимовнинг «Қилмиш - қидирмиш» (сценарий муаллифи — В. Соколов, оператор — Ғ. Шукуров) ҳужжатли лентаси турғунлик даврининг янги-янги қирраларини очиб беради. Тўла метражли бу картина томошабинларга илк бор Тошкент кино уйида тақдим этилди.

Республикада узоқ йиллар мобайнида ҳукм сурган пораҳўрлик, кўзбўямачилик ва қилинган жиноят учун жазоланмасликнинг чуқур сабабларини очиб беришга интилиш фильм ижодкорларини мазкур мавзуга мурожаат этишга ундади. Кейинги йиллар ичида Ўзбекистонда кўп нарсалар ўзгарди. Икобий жараёнлар кучга тўлмоқда, раҳбарлик услуби, одамларнинг онги ўзгариб бормоқда. Бироқ жамият ҳали тўла соғайиб кетгани йўқ. Кимлардир тарих ғилдирагини орқага айлантиришни, ўзбошимчалик ва ялпи соҳтакорлик даврига қайтаришни хоҳлайди. «Қилмиш-қидирмиш» фильми йўл қўйилган мудҳиш хатолар ҳақида ҳикоя қилар экан, янги хатоларга йўл қўймасликка ундайди.

Пахта монокультураси исканжасига ўйламай-нетмай банди қилинган Она еримизга қарши курашга олий мансабли жиноятчилар гуруҳи томонидан тортилган одамларнинг фожиаси фильм марказида туради. Экранда яқин ўтмишдаги воқеалар жонланади... Орденлар топширишга бағишланган тантанали маросимлар, дабдабали учрашувлар, ғолибона нишонланадиган байрамлар... ана шундай тантаналар ўрнини Ўзбекистон диёрини экология ҳалокати ёқасига олиб келган жиноятчиларни тергов қилиш вақтида тўпланган ҳужжатли материаллар ва суд жараёнлари эгаллайди. Ана шу барча воқеалар асносида сиёсий принципсизлик ва мансабпарастлик қурбонлари бўлган миллион-миллион кишиларнинг оғир, айни вақтда фойдасиз меҳнат қилиб, ҳеч нарсасиз қолганлиги очиб берилади.

Одамлар тақдирини ҳал қилган амалдорлардан бири бўлган Одиловнинг «фаолияти», унинг олий даражадаги мансабдорлар билан алоқалари тўғрисидаги ҳолис, ҳужжатли ҳикоя фильмнинг асосини ташкил этади. Картинада Одилов КПСС XXV съезди делегатлари орасида ўтирган тасвирланган... Ана, у республика байроғига навбатдаги орден тақиб қўйилиши муносабати билан уни кўтариб чиқмоқда. «Ҳамма ҳам бундай шарафга муяссар бўлавермайди», кадр ортидан киноя билан айтилган бу сўзлар ҳозир даҳшатли эшитилади. Лекин ўша вақтларда биз бундай манзарани завқ билан кузатган эдик. Киноленталарда, газета ва журналларда босилган фотосуратларда «Фарғона водийсида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган инсон», «Ўзбек халқининг содиқ фарзанди» акс эттирилган эди. Йиллар давомида индамай келганлар эса, эндиликда поплик «Хон»нинг одамларни қийнаганлиги ва уларни таҳқирлаганлиги ҳақида гувоҳлик бермоқдалар.

Бу фильм бир йил олдин пайдо бўлиши мумкин эди. Лекин кўзга кўринмас кучлар унинг экранга чиқишига тўсқинлик қилишди.

— Фильмимиз ниҳоят томошабинларга намойиш этилишидан хурсандмиз, — деди ЎзТАГ мухбирига картина бошланиши олдидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Даврон Салимов. — Бу ошкораликни бўғиб ташлаш тобора қийинлашиб бораётганидан далолат беради. Қайта қуриш тарафдорлари ва унинг душманлари ўртасида кураш кетаётган ҳозирги пайтда яқин ўтмишдаги жиноятлар хусусида ҳаққоний сўзлаш муҳимдир

«Қилмиш-қидирмиш» фильмининг номи миллион-миллион кишиларнинг озчилик иродасига кўр-кўрона бўйсуниши фожиали натижага олиб келганлигини акс эттиради. Кўпчиликнинг индамаслиги ва олий мансабли шахслар олдидаги қўрқув натижасида ўзбек заминининг тинкаси қуриди. Кишилар соғлиғи ва ҳаёти издан чиқди. Инсонлар тақдири оёқ-ости қилинди, орзулар ушламади.

24 февраль куни республика ҳужжатли киносининг биринчи фестивали очилади. Фестивалга Ўзбекистон киноҳужжатчиларининг энг яхши асарлари қаторида «Қилмиш-қидирмиш» фильми тақдим этилади. Тошкентдаги «Искра» ва Мақсуд Шайхзода номли кинотеатрларда ўтган йили ва шу йил яратилган фильмлар намойиш этилади.

Иш унуми—саломатликка боғлиқ

Киши соғлом, бақувват ва бардам бўлиши учун мунтазам физкультура ва спорт билан шуғулланиши лозимлиги барчага аён. Шундай экан, шаҳримиздаги саноат корхоналарида ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни физкультура ва спортга жалб қилиш қандай аҳволда! Мухбиримиз «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг спорт ҳаёти билан яқиндан танишди. Эътиборингизга спорт клуби раиси С. Сарайников билан бўлган суҳбатни ҳавола этамиз.

— Сергей Фёдорович, клуб фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Гапни узоқдан бошламай, ўтган йилги тадбирлар тўғрисида тўхтала қолай. Анъанага кўра корхонада ёзги ва қишки спартакиадалар ўтказдик. Одатдагидек спортнинг 6 тури: волейбол, футбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича беллашувлар бўлди. Бунда 6-пайвандлаш ва 15-механика цехи командалари фаоллик кўрсатиб яхши натижаларга эришдилар.

Кўнгилли физкультура ва спорт жамиятлари область Советининг 1-спартакиадасида ҳам спортчиларимиз 2 турда иштирок этдилар. Стол тенниси бўйича фахрли ўринни олдик. Эркаклар волейбол ва баскетбол командаларимиз яхши натижаларни қўлга киритишди. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, республика дзюдочилари коллективида 4 нафар вакилимиз қатнашмоқда.

— Ишчи-хизматчилар, хусусан ёшларнинг физкультура ва спортга қизиқишлари қай даражада?

— Корхонамизда жами 7 мингга яқин киши ишлайди. Йил давомида шулардан ярми ўз саломатлиги ҳақида қайғуради. Улар залда ўтказиладиган тадбирларда қатнашишади. Мустақил шуғулланадиганлар ҳам бор. Лекин ишчи-хизматчиларни оммавий жалб қилиш қониқарли эмас. Айниқса, ёшларнинг спорт турларига иштиёқи анча паст. Очиғи, улар кўпроқ музикага берилишган. Бу ҳол яхши, албатта. Лекин соғлиқ ҳақида ҳам ўйлаш керак-да. Энди куч-қувватга тўлиб, ғайрат билан ишлайдиган пайтда саломатлигидан шикоят қилиб врачга бораётган ёшларимиз талайгина.

Ҳар бир цехда физкультура коллективлари Совети тузилган. Бироқ, тадбир юзасидан рўйхат тузилса, кўпинча ёши катта, таниқли спортчиларнинг номлари қайд этилади. Ёшлар эса ўзларини четга олишга ҳаракат қиладилар.

— Корхона раҳбарлари-чи, уларнинг спортга муносабати қандай?

— Ҳозирги кунда бирлашма бош директори бошчилигида «Саломатлик» группаси тузилган. Машғулотларда барча идора хизматчилари иштирок этишаяпти. Улар бўш вақтларида спорт залига келиб, ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланишади. Маъмурият спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йили касаба союз комитети қарори билан 10 та стол тенниси олинди. Ётоқхона олдидаги спорт комплекси реконструкция қилиниб, 10—12 тур бўйича мусобақалар ўтказишга имконият яратилди.

— «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», дейишади. Бу нақлни жисмоний тарбияга ҳам тадбиқ этса бўладими?

— Албатта. Кўнгилли ҳордиқ чиқариш ва жисмоний тарбия эгизак деб ўйлайман. Сабаби, иккиси ҳам кайфиятни яхшилайди, танга куч, ишга унум бағишлайди. Мунтазам спорт билан шуғулланаётган кишиларнинг бетоб бўлганини эслолмайман. Менимча, киши доимо саломатлиги ҳақида ўйлаб, чиниқиб бориши зарур.

Қардош Қирғизистондаги Иссиққўл соҳилида корхонанинг пансионати бор. Шу жойда ҳар йили 1,5—2 минг киши дам олиб кетади. Пансионатга ҳам волейбол, футбол ва баскетбол майдончалари қурганмиз. Бундан ташқари, Чимён дам олиш зонасига саёҳат уюштирилганда тоғ бағрида дзюдо, эркин кураш, тош кўтариш бўйича мусобақалар ўтказилаяпти.

Кези келганда корхонадаги спорт зали анча эскиргани, бунинг устига торлик қилаётганини айтиб ўтмоқчиман. Албатта, давр талабига жавоб берадиган замонавий зал ва комплекслар қурилса, кишиларни спортга жалб қилиш осон бўларди.

Суҳбатни С. ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.



Республика спорт нишқибозлари орасида Ахбор акани билмаган, унинг жозибали овозини эшитмаган киши топилмаса керак. Телевидение орқали у олиб борган репортажларни доимо мириқиб томоша қиласиз.

Ахбор Имомхўжаев ёшлигидан спортга ишқибоз қўйди. Ўрта мактабни битиргач Тошкент область педагогика билим юрти, кейинчалик Ўзбекистон Давлат физкультура институтига кириб ўқиди. Мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси, институт футбол кафедрасида катта ўқитувчи, Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт Давлат комитетининг футбол бўлимида катта тренер бўлиб ишлади. 1978 йилдан эса Ўзбекистон телевидениеси, спорт кўрсатувлари бош редакциясининг ходимидир.

Футбол бўйича республика тонфасидаги судья А. Имомхўжаев СССР чемпионати ва халқаро учрашувларда ҳакамлик қилган. Шу кунларда «Сеул кундалиги» китобчасини ёзиб тугатмоқда.

СУРАТДА: Ахбор Имомхўжаев оила аъзолари билан.

М. Назаров фотоси.

Улар Кишиневга боришади

«Ёшлик» спорт аренасида акробатика бўйича республика чемпионати ўтказилди. Мусобақада «Меҳнат резервлари» жамияти, Ўзбекистон касаба союзлари Бутуниттифоқ кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг республика совети вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, баҳсга Самарқанд, Фарғона областлари, Навоий, Чирчиқ, Тошкент ҳамда Астрахань шаҳарларидан 70 нафарга яқин спортчи келди.

Мусобақа акробатиканинг 7 тури бўйича бўлди. Қизлар ўртасида жуфт машқ бажаришда тошкентлик К. Кись ва Е. Любимова ғолиб чиқдилар. Эркаклар беллашувида эса биринчи ўрин Андижон акробатларига насиб этди.

Эркак ва аёлларнинг группа бўлиб машқ бажаришида шаҳримиз вакилларининг чиқишини жюри ҳайъати юқори баҳолади. Бошқа турлар бўйича ҳам кучлилар аниқланди. Умумкоманда ҳисобида «Меҳнат резервлари» жамияти спортчилари шохупанинг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

Ғолиблар шу ойнинг охирида Кишинёв шаҳрида ўтадиган СССР биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Катя, Олег ва Алексей

Ҳамза районидаги ... клуби аъзолари А. Есни, Олег Муравьев, Катя Ратмановалар ... шев шаҳридан қайтиб ... ди. Бу ёшларимиз ... Новосибирск, Рига, ... горск, Тошкент ва ... областининг бир қанча ... ҳарларидаги спорт ... ўртасида енгил атлетика ... йича ўтказилган ўртоқ ... рашувларида иштирок ... лар.

— Вакилларимиз ... «Волга», кейин «Кр... ветов» спорт клуби ... билан баҳслашишди. ... ди жисмоний тарбия ... чиси О. Колпаков ... ман, мусобақаларда ... ҳорат кўрсатдилар.

600 метрга югуриш ... Есни, 100 метрга ... О. Муравьев биринчи ... келишди. Катя эса 2... ли масофани 28,9 ... босиб ўтиб, иккинчи ... ни қўлга киритди. ... линка сакрашда ҳам ... ўринни эгаллади. ... спортчи юқорида тил... ган клубларнинг ... эсдаликлари билан ... ландилар.

М. Ю...

Редактор ўрин...
С. Б. Ё...

Акс садо

«ҲИНД КИНОФИЛЬМЛАРИ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ОРҚАЛИ КЎРСАТИЛСА...»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1989 ЙИЛ 18 ЯНВАРЬ

Бу мақола мен учун туртки бўлди. Негаки кўпдан бери шу ҳақда ўз фикримни билдириш ниятида эдим. Ҳинд киносанъати ҳақида гап борганда кўз олдимизда йигит ва қизнинг оташин севгиси, кечинмалари, жозибадор қўшиқ, куй ва рақслар намоён бўлади. Бу фильмларни ўзбек томошабинлари завқланиб, ҳаяжонланиб томоша қиладилар.

60—70 йилларга бир назар ташлайлик. Кинотеатрга янги ҳинд фильми келса худди байрамдек одам гавжум бўларди. Мен меҳнат фаолиятимни Бешёғочдаги Навоий кинотеатрида бошлаганман. Ўша кезлари ҳинд фильмлари репертуар рўйхатидан тушмасди. Ҳафталаб намойиш этиларди. Айниқса муҳаббат, дўстлик, беғубор ёшликни тараннум этувчи фильмлардан «Гул ва тош», «Симладаги муҳаббат», «Дунё», «Садоқат», «Она Ҳиндистон» фильмлари томошабинларда катта таассурот қолдириб, минглаб томошабин қалбларидан кенг ўрин олиб келган. Агар улар такроран кўрсатилса жон деб томоша қилардик.

Кейинги пайтда ҳинд фильмлари нафақат телевидение, қолаверса кино экранларида ҳам борган сари камайиб, намойиш муддати қисқариб кетди. Улар 1980 йилдан ўзбек тилига таржима қилинмайди. Сўнгги дубляж «Зита ва Гита» фильмидир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Жаҳонга машҳур экран устаси Раж Капур ўзининг «Дайди», «Жаноб—420», «Сангам», «Меннинг исмим масхарабоз» каби фильмлари билан бизга яхши таниш. Ўтган йил июнь ойида Ҳиндистон кино тараққиётига оғир жудоликка учради. Машҳур санъаткор ҳаётдан кўз юмди. Лекин бу ҳақда на телевидение орқали, на кинотеатрларда бирор тадбир уюштирилмади. Раж Капурни ҳаммамиз севардик. Чунки у ўзбек ва ҳинд халқининг маданий дўстлиги, санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган эди.

Давлатимиз меҳнаткашларининг кўнгилли ва маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитларни муҳайё этмоқда. Менимча, ҳинд кинофильмларини «зангори экран»га қайтариш вақти келди. Бундан ташқари ҳинд киноюлдузлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатувлар ҳам кўпроқ тайёрланса мақсадга мувофиқ бўларди.

С. НОРХЎЖАЕВ, киномеханик.

Реклама ва эълонлар

Уй бекаларига яна бир маслаҳатимиз



Сиз тайёрлайдиган қўпсонли мазали таомлар қаторида сиз айниқса яхши тайёрлайдиган, «мазаси оғизда қоладиган» таомлар ҳам бор. Улар сизнинг «фирмали» таомингиз ҳисобланади. Аммо ўзи шундай, вақт ўтиши билан эски таомлар унутилади, уларнинг ўрнини эса янги, янада мазали, тансиқ таомлар эгаллайди.

Қуйида эътиборингизга «Қуш сути» деб номланган торт тайёрлаш рецептини ҳавола этаяпмиз. Уни тайёрлаш қоидаларига қатъий амал қилсангиз, бу торт ҳам вақти келиб сизнинг «фирмали» таомингизга айланиши мумкин.

«ҚУШ СУТИ» ТОРТИ

130 грамм маргаринни бир стакан шакар билан ийлаб, олдинма-кетин учта тухум чақиб қўшасиз ва қорасиз.

Бир чой қошиғида сиркада сўндирилган сода қўшиб, аста-аста бир стакан ун соласиз. Хамирни икки зувалага бўласиз. Улардан бирига уч чой қошиғида какао қўшасиз. Ёғ суртилиб, талқон сепилган товада иккита коржик пиширасиз. Коржик 35 минут мобайнида 180 даража иссиқда пиширилади. Совиганидан сўнг ҳар икки коржик икки қатлам қилиб қирқилади.

Крем тайёрлаш учун 300 грамм сарёғ бир ярим стакан шакарда ийланади. Икки стакан сут ва уч ош қошиғидаги маннийдан манний бўтқаси тайёрланади. Совитилади. Икки дона лимон пўстлоғи билан майда қирғичдан ўтказилиб сўнг совиган бўтқага қўшилади. Унга яна ёғ, шакар билан ийланган ёғ қўшилади. Крем кўпиртирилиб, 20 минутга холодильникка қўйилади. Барча коржикларга, шу жумладан юқори коржикка ҳам 2 сантиметр қалинликда крем суртилади. Тортнинг устки қатламига ва ён чеккаларига иссиқ шоколад қуйилади.

Шоколад қуйидагича тайёрланади. Икки ош қошиғидаги қаймоқ, икки чой қошиғидаги какао, уч ош қошиғидаги шакар қорилиб, паст алангада қуюлгунча қайнатилади (қайнатилаётганда қошиқ билан аралаштириб турилади). Сўнгра 50 грамм сариёғ солиниб, қайта қуюлгунча қайнатилади.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ «ЭКСТРА», «СТОЛОВИЙ», «МОЛОЧНИЙ» МАРГАРИНЛАРИНИ ВА ОВҚАТ ЁҒИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР.

Сергели райпишчеторги (58-99-74).

Эркакларга совға



«Экстра» группасига максуб «Достон» ва «Оазис» эсдалик одеколонлари эркакларга яхши совға бўлади.

«Достон» одеколони гулларнинг цитрус ўсимликлари бўйи билан кучайтирилган турғун муаттар ҳидга эга бўлиб, Бобирнома миниатюралари билан безатилган қутига жойланган.

Нархи — 12 сўм.

«Оазис» одеколони гулларнинг енгил ҳидига эга бўлиб, шарқ шаҳарлари тасвирланган зангори рангдаги оригинал қутича жойланган.

Нархи — 15 сўм.

Тошкент упа-элик фабрикаси.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Китобсеварлар диққатига!

БУКИНИСТИК МАГАЗИНЛАР ВА УНИВЕРСАЛ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ БУКИНИСТИК БЎЛИМЛАР



Нодир нашрлар, бадиий адабиётлар, тугалланган обуна нашрлари ва аҳоли ўртасида талаб катта бўлган бошқа адабиётларни китоб топширувчи кишилар ўртасида ўзаро келишиб олинган баҳоларда

КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шунингдек, адабиётлар билан ҳам савдо қилинади. Кенг ассортиментда тарих, фалсафа, адабиётшунослик, санъат, медицинага оид китоблар мавжуд.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

— **1-магазин** — Пушкин кўчаси, 6-корпус, Телефон: 33-37-27.
— **5-магазин** — Ўзбекистон кўчаси, 8-уй. Телефон: 45-22-35.
— **11-магазин** — М. Горький проспекти, 73-уй. Телефон: 68-53-48
— **13-магазин** — Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 41-25-90
— **14-магазин** — Қорақамиш массиви, 2/4, Ўрозбоев кўчаси. Телефон: 29-86-36.
— **17-магазин** — ЎзССР 50 йиллиги кўчаси, 7-уй. Телефон: 44-57-41.
— **18-магазин** — Сергели массиви, 9-квартал, 69-уй. Телефон: 58-58-55.
— **31-магазин** — Навоий кўчаси, Янги ярмарка.
— **35-магазин** — 2-ТТЗ массиви. Телефон: 64-41-77.
— **41-магазин** — 2-Қорасув массиви. Телефон: 65-72-47.
— **43-магазин** — Навоий кўчаси, 42-уй. Телефон: 42-06-36.
— **46-магазин** — Космонавтлар проспекти, 39-уй. Телефон: 56-75-03.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИГА

топширилган макулатурага алмашинилган талонларга бериладиган

И. Ефремовнинг «ЛЕЗВИЕ БРИТВИ»

КИТОБИ КЕЛИБ ТУШДИ

Талонлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида амал қилади.

СИЗЛАРДАН МАЗКУР КИТОБНИ ЎЗ ВАҚТИДА ХАРИД ҚИЛИШЛАРИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Тошкент область Пискент районидаги 27-ўрта мактаб томонидан **Гафуров Фахриддин Шаватович** номига берилган В-678540 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛИ КУНЛАРИДА

мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб

Саёҳатга таклиф қилади

СОЧИ (Дагомис), **23 мартдан 28 мартгача. Баҳоси — 182 сўм.**

МОЗИРЬ (Минск яқинида), **23 мартдан 27 мартгача. Баҳоси — 183 сўм.**

МОЖАЙСК (Москва яқинида), **23 мартдан 27 мартгача. Баҳоси — 169 сўм.**

ОРЖОНИКИДЗЕ, **23 мартдан 1 апрелгача, 24 мартдан 2 апрелгача Баҳоси — 255 сўм.**

КРЕМЕНЧУГ. **25 мартдан 29 мартгача. Баҳоси—212 сўм.**

БАЛАКОВО (Саратов области), **25 мартдан 30 мартгача. Баҳоси — 211 сўм.**

ЛИТКАРИНО (Москва яқинида), **27 мартдан 31 мартгача, Баҳоси — 186 сўм.**

Самолёт билан бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ — 1989 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ ВА КАТТА МИҚДОРДАГИ 3 ВА 5 КУНЛИК (отпуска даврида) ИЎЛ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ПУТЁВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ — ЭНГ ҚУЛАЙ ИШ ФОРМАСИ САНАЛАДИ.

Шартнома пул ҳисоб-китобларини енгиллаштиради, энг яхши путёвкаларни сотиб олишда имтиёз яратади.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11- алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69 «а» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-11-97.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА САНЪАТШУНОСЛИК ВА МАДАНИЯТ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТАБРИКЛАЙДИ

— «А» категориядаги автомобилларни бошқарувчилар (мотоциклларни бошқарувчилар);
— «Б» категориядаги автомобилларни бошқарувчилар (автопоезд тортувчи автомобилларни бошқарувчилар);
— автомобилларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаларини тайёрловчи ўқув комбинатларини

ПУЛЛИ КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун: Тошкент шаҳри, 56-бўлими. Олтинтепа тор., 37-уй, метронинг «Мустақиллик» станцияси, (у ёқдан кўчаси бўйлаб кўча охиригача борилади). Телефон: 93-70.

«ПАХТАКОР» РЕСПУБЛИКА СПОРТ-МАШҲУР БИРЛАШМАСИ

ФУТБОЛ МАВСУМИ УЧУН

АБОНЕМЕНТ ДАФТАРЧАЛАРИ СОТАДИ

Справкалар учун тел. 41-30-23.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/II да **Евгений Онегин** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Ҳазратн аёл**, 23/II да **Корнелан.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/II да **Рожа**, 23/II да **Шайтон ва муридлар.**

Кино

23 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЯЛҚОВ» (катта зал, 18.30, 20.40); «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (21.00); АВФ ЭТИШГА БЕРИЛГАН ИЗОҲ» (18.30).

Ватан — «КИНГ-КОНГ» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЖИНОЯТЧИЛАР УЮШМАСИ» (18, 20, 21.30).

Қозоғистон — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17, 19, 20.00).

Восток — «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИНГ» (18.30, 20.40).

Москва — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» (жуфт сеансларда).

Лисунов номли — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 21.00).

Нукус — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (17, 19, 21.00).

Дружба — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (17, 18, 20, 20.30).

24 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «Я... (катта зал, 11, 13.30, ... 20.40); «КИНГ-КОНГ ... (кичик зал, 12, 14.30, 17...

Чайка — «ТЎРТ О... (11, 16, 21.00); «АВФ ... БЕРИЛГАН ИЗОҲ» (13.3...

Ватан — «КИНГ-КОН... 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг ... лиги — «ЖИНОЯТЧИЛА... МАСИ» (12, 14, 16, 18, ...

Қозоғистон — «МЕН... МИМ АРЛЕКИНО» (11, ... 14.30, 16, 17, 19, 20.00).

Восток — «АЖДАҲО... ДИРИНГ» (11, 13.30, ... 20.40).

Москва — «ҚОНУНД... РИЛАР» (11, 13, 15, ... 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги ... ТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» (... атларда).

Лисунов номли — ... ИСМИМ АРЛЕКИНО» (... 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ЖОДУ ҚИ... ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» ... 15, 17, 19, 21.00).

Дружба — «КИНГ-К... РИК» (11, 12, 14, 15, ... 20.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... ДА — «Денгиз ҳ... аттракционининг ... раммаси (19.00).

Ўзбекистон ССР ... академиясининг ... ва иншоотлар сейс... таҳкамлиги институ... лектрини илмий ходи... ника фанлари ном... А. Ғ. Қодировга ра...

Дилбар ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги му... билан чуқур таъзия ... қилади.

Реклама ва эълон...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар ... нлованси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншаиб... ташкент... ҳар куни чи... Тираж...

Р — 09588.

Ички саҳифаларга 19.30 да ҳўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. — 2017. Индекс 64690.

1 2 3 4 5 6 7 1